



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 6 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 6

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№6 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-6>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)
Umarxanova Dildora Sharipxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslovovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ҲУҚУҚРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)
Mexmonov Kambariddin Miradxanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ҲУҚУҚРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)
Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Рузиназаров Шухрат Нуралиевич ЮРИДИК ТАЪЛИМНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ ШАРОИТИДА «РАҚАМЛИ ҲУҚУҚ» (DIGITAL LAW) ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	5
2. Aminov Dalerjon Alisher o'g'li O'ZBEKISTONDA HUQUQIY TA'LIM VA AMALIYOT HAMKORLIGINING ZAMONAVIY MODELLARI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI.....	34
3. Зулунов Махсудбек Махаммаджонович ФОНДЛАР МУЛКИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ.....	41
4. Азизов Иқболжон Гулямович ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ИШ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА БЕРИШ УЧУН ИШТИРОК ЭТУВЧИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҲОЛАТИ.....	50
5. Жураев Анваржон Ильхомжон угли ПРАВОВАЯ ПРИРОДА МАХАЛЛИ И ЕЁ РОЛЬ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННЫХ ВИДОВ ТУРИСТИЧЕСКОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА.....	58
6. Алтиев Раззоқ Саидович ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ, АҲАМИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ.....	67
7. Давлетмуратов Султанмурат Рустемович МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР: ТУШУНЧА, ТАСНИФ ВА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК НОРМАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	79
8. Ismoilov Shoxabbos G'ayratjon o'g'li JINOYAT KODEKSI UMUMIY VA MAXSUS QISMLARI NORMALARI RAQOBATINING HUQUQIY TAHLILI.....	88
9. Кахаров Фируз Елмуратович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚЎШИМЧА ЖАЗОЛАР ТИЗИМИ: ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ.....	98
10. Salaev Nodirbek Saparbaevich TRANSFORMATION OF UZBEKISTAN'S PENAL ENFORCEMENT LEGISLATION: A NEW PARADIGM OF HUMANISM, REINTEGRATION AND INNOVATIVE PENITENTIARY POLICY.....	106
11. Нажмитдинов Нодирхон Амриллохонович ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИ ОЛИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК.....	115
12. Adilxodjaev Sherzod Shuxratovich KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH SIYOSATINING DOLZARB MASALALARI: KORRUPSIYA TUSHUNCHASI VA ALOMATLARI.....	124



12.00.08-УГОЛОВНОЕ ПРАВО. УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО

Алтиев Раззоқ Саидович,

Тошкент давлат юридик университети

Жиноят ҳукуқи, криминалогия ва коррупцияга

қарши курашиш шўъбаси профессори вазифасини бажарувчиси

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Orcid: 0000-0001-5613-4532

E-mail: razzoq.lawyer@gmail.com

ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ, АҲАМИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ

For citation: Altiev Razzok Saidovich. CONCEPT, MEANING, TYPES AND STAGES OF QUALIFICATION OF CRIMES. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 6.



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.21938727>

АННОТАЦИЯ

Мақолада жиноятларни квалификация қилиш тушунчасининг доктринал тараққиёти, унинг моддий-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал икки ёқлама табиати, турлари ҳамда босқичлари тизимли таҳлил этилади. А.А.Герцензондан бошланган таърифлар силсиласи В.Н.Кудрявцев, Н.Ф.Кузнецова, Л.Д.Гаухман, Т.Г.Черненко ва В.В.Марчук ишлари асосида кузатилиб, квалификациянинг мантикий-идентификацион ҳамда талқин қилувчи қирралари ажратилади. Жиноят-процессуал кодекснинг ўзбек ва рус тилидаги матнлари қиёсланиб, битта «квалификация» тушунчаси ўзбекча матнда «тавсиф», «юридик тавсиф» ва «малакалаш» шаклларида ифодаланиши, бу эса норматив таърифнинг мавжуд эмаслиги билан бирга назарий ва амалий ноаниқликни келтириб чиқариши асосланади. Квалификациянинг тор ва кенг маънолари фаркланиб, квалификация формуласининг учта мажбурий унсури аниқланади. Немис Tatbestand таълимоти, англо-америка таркиб таҳлили ҳамда Хитой доктринасидаги «тўрт элемент — уч босқич» баҳси қиёсида миллий доктринанинг ўрни белгиланади. Муаллиф эмпирик база асосида квалификация хатоси тизимли ҳодиса эканини кўрсатиб, «ортиқча» ва «етишмовчи» квалификация таснифини илгари суради. Алгоритмик квалификациянинг замонавий синовлари таҳлил этилиб, юқори аниқлик кўрсаткичи тўғри квалификация билан тенглаштирилмаслиги асосланади. Яқунда Жиноят кодексига квалификациянинг норматив таърифини киритиш бўйича таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: жиноятларни квалификация қилиш, жиноят таркиби, квалификация формуласи, айблов доираси, тавсиф, малакалаш, расмий ва доктринал квалификация, салбий квалификация, ортиқча квалификация, квалификация босқичлари, квалификация хатолари, алгоритмик квалификация.

Алтиев Раззоқ Саидович,

Исполняющий обязанности профессора сектора Уголовного права,
криминалогии и противодействия коррупции Ташкентского

государственного юридического университета,
Доктор философии по юридическим наукам (PhD)
Orcid: 0000-0001-5613-4532
E-mail: razzoq.lawyer@gmail.com

ПОНЯТИЕ, ЗНАЧЕНИЕ, ВИДЫ И ЭТАПЫ КВАЛИФИКАЦИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

АННОТАЦИЯ

В статье системно анализируются доктринальное развитие понятия квалификации преступлений, её двойственная материально-правовая и уголовно-процессуальная природа, виды и этапы. Линия определений, начатая А.А.Герцензоном, прослеживается по работам В.Н.Кудрявцева, Н.Ф.Кузнецовой, Л.Д.Гаухмана, Т.Г.Черненко и В.В.Марчука; выделяются логико-идентификационный и интерпретационный аспекты квалификации. На основе сопоставления узбекского и русского текстов Уголовно-процессуального кодекса обосновывается, что единое понятие «квалификация» передаётся в узбекском тексте формами «тавсиф», «юридик тавсиф» и «малакалаш», что вкупе с отсутствием легальной дефиниции порождает теоретическую и практическую неопределённость. Разграничиваются узкое и широкое значения квалификации, устанавливаются три обязательных элемента формулы квалификации. Место национальной доктрины определяется в сопоставлении с немецким учением о Tatbestand, англо-американским анализом состава и китайской дискуссией «четыре элемента — три ступени». На эмпирической базе автор показывает системный характер квалификационной ошибки и предлагает классификацию «избыточной» и «недостаточной» квалификации. Анализируются современные испытания алгоритмической квалификации и обосновывается недопустимость отождествления высокой точности модели с правильностью квалификации. В заключение выдвигаются предложения о введении в Уголовный кодекс нормативного определения квалификации и об обеспечении терминологического единства.

Ключевые слова: квалификация преступлений, состав преступления, формула квалификации, объём обвинения, тавсиф, малакалаш, официальная и доктринальная квалификация, отрицательная квалификация, избыточная квалификация, этапы квалификации, квалификационные ошибки, алгоритмическая квалификация.

Altiev Razzok Saidovich,
Acting Professor of the Department of Criminal Law, Criminology
and Anti-Corruption of Tashkent State University of Law,
Doctor of Philosophy in Law (PhD)
Orcid: 0000-0001-5613-4532
E-mail: razzoq.lawyer@gmail.com

CONCEPT, MEANING, TYPES AND STAGES OF QUALIFICATION OF CRIMES

ANNOTATION

The article systematically analyses the doctrinal development of the concept of the qualification of crimes, its dual substantive and procedural nature, its types and its stages. The line of definitions initiated by A.A.Gertsenzon is traced through the works of V.N.Kudryavtsev, N.F.Kuznetsova, L.D.Gaukhman, T.G.Chernenko and V.V.Marchuk, and the logical-identificatory and interpretive dimensions of qualification are distinguished. A comparison of the Uzbek and Russian texts of the Criminal Procedure Code shows that the single concept of "qualification" is rendered in Uzbek by the forms "tavsif", "yuridik tavsif" and "malakalash"; together with the absence of a legal definition, this generates theoretical and practical uncertainty. The narrow and broad meanings of qualification are distinguished and the three mandatory elements of the qualification formula are identified. The place of national doctrine is established through comparison with the German doctrine of Tatbestand, Anglo-American offence analysis and the Chinese "four elements versus three tiers" debate. Drawing

on an empirical base, the author shows that qualification error is a systemic phenomenon and proposes a classification of "excessive" and "insufficient" qualification. Contemporary tests of algorithmic qualification support the conclusion that high model accuracy must not be equated with correct qualification. In conclusion, proposals are advanced for introducing a normative definition of qualification into the Criminal Code and for securing terminological uniformity.

Keywords: qualification of crimes, corpus delicti, qualification formula, scope of the charge, tavsif, malakalash, official and doctrinal qualification, negative qualification, excessive qualification, stages of qualification, qualification errors, algorithmic qualification.

Кириш

Квалификация тушунчаси қўлланилиш соҳасига қараб турли хил маъноларга эга. Ўзбекистон жиноят ҳуқуқида қилмишни квалификация қилиш ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан боғлиқ бўлиб, махсус ваколатли давлат органи мансабдор шахсларининг фаолият шакли ҳисобланади. Содир этилган қилмишда Жиноят кодекси (кейинги ўринларда — ЖК)да назарда тутилган жиноят белгилари аниқланмаса, жиноят ҳуқуқи нормасини муайян ҳолатга нисбатан қўллаш мумкин эмас. Процессуал шаклга киритилган ушбу мантикий жараён жиноятни квалификация қилиш деб юритилади. Одатда квалификация бошланишидан олдин қилмиш жиноят ёки жиноят эмаслиги аниқ бўлмаганлиги боис, жиноятни эмас қилмишни квалификация қилиш ҳақида сўз юритиш тўғрироқ бўлади, унинг натижаси эса процессуал ҳужжат шаклида расмийлаштирилади.

Мавзунинг долзарблиги амалий кўрсаткичлар билан ҳам тасдиқланади. Олий суднинг маълумотларига кўра, 2024 йилнинг биринчи ярмида судлар томонидан 37 179 нафар шахсга нисбатан 29 086 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 465 нафар шахс оқланиб реабилитация қилинган; 2025 йилда эса 422 нафар шахс оқланган, 15 992 нафар шахсга нисбатан асоссиз қўйилган айблов моддалари суд муҳокамасида чиқариб ташланган, юқори инстанцияда ўзгартирилган ҳукмларнинг улуши тахминан 21–22 фоизни ташкил этган[1]. Мазкур рақамлар квалификация хатосининг айрим ҳолат эмас, балки тизимли ҳодиса эканини кўрсатади.

Жиноят ҳуқуқи фанида квалификациянинг доктринал назарияси умумийдан хусусийга қараб ривожланиб келган. Ушбу жараённинг фундаментал асоси квалификациянинг умумий назарияси бўлиб, у жиноят таркибининг алоҳида элементларига, жиний фаолиятнинг ривожланиш босқичларига ва иштирокчилик шаклларига нисбатан конкретлаштирилади. Бугунги кунда олиб борилаётган илмий ишларнинг аксариятида айрим турдаги жиноятларни квалификация қилиш масалалари тадқиқ этилса-да, квалификациянинг умумий назариясига бағишланган монографик асарлар жуда кам: Ўзбекистонда 2021–2026 йилларда ушбу йўналишда янги докторлик тадқиқотлари эмас, асосан ўқув қўлланмалари эълон қилинган[2]. Демак, мавзунинг илмий ишланиш даражаси амалиёт эҳтиёжидан сезиларли ортда қолмоқда.

1. Квалификация тушунчасининг доктринал тараққиёти

Ўтган асрнинг биринчи ярмида шаклланган квалификациянинг энг кенг тарқалган таърифи А.А.Герцензон томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра «жиноятларни квалификация қилиш муайян қилмишнинг жиноят қонунида назарда тутилган муайян (у ёки бу) жиноят таркиби белгиларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат»[3]. Ушбу таъриф айрим аниқликлар билан замонавий Россия ва МДХ давлатлари адабиётида ҳам қўлланилади[4]. В.Н.Кудрявцев эса квалификацияни ҳуқуқни қўллаш жараёнининг мустақил босқичи сифатида белгилаб, қуйидагича таъкидлайди: «жиноятни квалификация қилиш жиноят ҳуқуқи нормасини қўллаш босқичларидан фақат биридир, у содир этилган жиноятни айнан қайси жиноят-ҳуқуқий норма назарда тутганлиги тўғрисида қарор қабул қилиш ва ушбу қарорни жиноят-процессуал ҳужжатда мустаҳкамлашдан иборат»[5]. Демак, таърифнинг ўзагида икки унсур — норма танлаш тўғрисидаги қарор ва унинг процессуал мустаҳкамланиши турибди.

Кейинги авлод тадқиқотчилари мазкур ўзакни бойитган. Н.Ф.Кузнецова уни «содир этилган қилмишдаги ижтимоий хавфли қилмиш белгиларининг ЖК Умумий ва Махсус қисми нормаларида назарда тутилган жиноят таркиби белгиларига мувофиқлигини аниқлаш ҳамда Кодекснинг у ёки бу моддасини қўллаш тўғрисида ҳулосага келиш» деб таърифлаган[6].

Л.Д.Гаухман В.Н.Кудрявцев таърифни умумэтироф этилган деб баҳолаган ҳолда, квалификациянинг ҳуқуқни қўллашдаги ўрнини қуйидагича белгилайди: «жиноятларни квалификация қилиш тергов ва суд амалиётида жиноят қонунини қўллашнинг асосий, фундаментал, марказий, ўзак қисмини ҳамда мағзини (ядросини) ташкил этади»[7]. Т.Г.Черненко эса таърифга исботлаш жараёни ўлчовини киритиб, квалификацияни «иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш жараёнида содир этилган қилмиш белгилари билан муайян жиноят-ҳуқуқий нормада назарда тутилган жиноят таркиби белгилари ўртасидаги аниқ мувофиқликни ўрнатиш ва уни жиноят-процессуал ҳужжатда юридик жиҳатдан мустаҳкамлаш» сифатида изоҳлайди[8]. Юқоридагилардан кўринадики, таърифлар бир-бирини инкор этмайди, балки квалификациянинг мослик, баҳолаш, норма танлаш ва ҳулосани мустаҳкамлаш каби қирраларини кетма-кет очиб беради.

Замонавий боскичда квалификация назариясига методологик ўлчов қўшилди. В.В.Марчук квалификациянинг мантикий табиатини қуйидагича белгилайди: «мантикий жиҳатдан жиноятни квалификация қилиш идентификациянинг формал-мантикий процедурасини ташкил этади»[9]. Айти пайтда у квалификацияни соф мантикий амал деб қарашга қарши чиқиб, унда талқин қилиш босқичи муқаррар мавжудлигини асослайди ҳамда квалификация методологияси сифатида герменевтик-феноменологик ёндашувни, яъни «тушуниш — талқин — қўллаш» силсиласини таклиф этади[9]. Мазкур ёндашув баҳолав белгилар билан ишлашда аниқса аҳамиятлидир, чунки улар силлогизм воситасида эмас, тизимли талқин орқали аниқланади. Демак, квалификация мантикий идентификация ва ҳуқуқий талқиннинг узвий бирлигидан иборат мураккаб ғносеологик жараён ҳисобланади.

Миллий доктринада ҳам квалификация тўрт элементли таркиб концепциясига таянади; М.Ҳ.Рустамбоев, Р.А.Зуфаров ва Р.Кабуловнинг илмий асарлари ушбу йўналишни ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшган[10]. Айти пайтда, миллий адабиётда квалификациянинг норматив таърифи, унинг процессуал ҳужжатда мустаҳкамланиш тартиби ва квалификация формуласининг тузилмаси етарлича тадқиқ этилмаган. Бизнингча, жиноятларни квалификация қилиш нафақат жиноят ҳуқуқи, балки жиноят-процессуал ҳуқуқи институтларини ҳам ўзида акс эттиради, шу сабабли унинг таърифи икки соҳанинг талабларини бир вақтда қамраб олиши лозим.

2. Квалификациянинг қиёсий-ҳуқуқий ўлчови

Квалификация ғояси, яъни қилмишни қонундаги моделга қиёслаш ва мослик ёки мос эмаслигини аниқлаш, турли ҳуқуқий аъъаналар учун умумийдир, бироқ унинг аналитик тузилмаси турличадир. Континентал ҳуқуқ оиласида квалификация назариясининг энг мукамал ишланган варианты немис жиноят-ҳуқуқий мактабида шаклланган: Э.Белинг асослаган таркиб таълимоти (Tatbestandslehre) негизида уч босқичли текширув амал қилади: қонунда белгиланган белгиларга мувофиқлик (Tatbestandsmäßigkeit), ҳуқуқга зидлик (Rechtswidrigkeit) ва айбдорлик (Schuld)[11]. Ушбу тизимда қилмишни норма остига келтириш жараёни субсумпция (Subsumtion) деб номланади ва у бизнинг «квалификация» атамаизининг бевосита муқобилидир. Англо-америка ҳуқуқида эса жиноят ташқи унсур (actus reus) ва айб унсури (mens rea) орқали таҳлил этилади; А.П.Симестер жавобгарлик, айбдорлик ва ноҳақлик ўқларини ажратиб, умумий ҳуқуқ учун таркиб таълимотига энг яқин тизимли конструкцияни таклиф этган[12].

Ўзбекистон доктринаси учун энг мос таққослов объекти Хитой Халқ Республикаси тажрибасидир, чунки Хитой ҳам совет меросидаги тўрт элементли таркибни қабул қилган. Чэ Хаонинг таҳлилига кўра, 2000-йиллардан бошлаб мамлакатнинг икки етакчи назариётчиси (Чэнь Синлянь ва Чжан Минкай) немис уч босқичли тузилмасига ўтишни изчил тарғиб қилмоқда; тўрт элементли моделга асосий эътироз унинг «текис» (координатали) характеридадир, яъни тўртала элемент бир вақтда баҳоланиши сабабли таҳлилни кетма-кетликка сола олмаслигидадир[13]. Ушбу баҳс тўрт элементли таркиб бирдан-бир модел эмаслигини кўрсатса-да, унинг кучли томонини ҳам ойдинлаштиради: белгиларнинг ошқора рўйхати квалификацияни текшириладиган фаолиятга айлантиради. Демак, қиёсий таҳлил миллий доктринани алмаштиришни эмас, балки тўлдиришни назарда тутаяди.

Пост-совет маконидаги энг эътиборга молик ҳодиса квалификация қоидаларининг қонун даражасида мустаҳкамланишидир. Украинанинг янги Жиноят кодекси лойиҳасида биринчи марта «Жиноий-ҳуқуқий квалификация» деб номланган алоҳида бўлим киритилиб, унда квалификациянинг норматив таърифи, квалификация формуласини тузиш алгоритми ва квалификация натижаларини асослаш мажбурияти белгиланган[14]. С.Сорока ва М.Коваль амалдаги Украина Жиноят кодекси ушбу атамани таърифламасдан қўллашнинг қайд этиб, тушунчани айнан қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш зарурлигини асослайдилар[15]. В.В.Марчук эса қонунда мустаҳкамланган мустақил жиноий-ҳуқуқий «квалификация қоидалари институти» мавжудлигини илмий жиҳатдан асослаган[9]. Демак, квалификация қоидаларини доктринага ва суд йўриқномаларига қолдириш ягона мумкин бўлган ечим эмас.

3. Квалификациянинг моддий-ҳуқуқий ва процессуал икки ёқламалари

Жиноят қонунини қўллаш фақат жиноят ишини юритишнинг белгиланган тартиб-таомиллари доирасида амалга оширилади, шунинг учун квалификация яқини процессуал ҳужжатда ушбу жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи муайян моддага (модданинг банди ва қисмига) ҳавола қилинган ҳолда қайд этилиши шарт. Бинобарин, квалификацияни икки томонлама кўриб чиқиш мумкин: содир этилган қилмишда жиноят белгиларини аниқлаш жараёни сифатида ва ушбу жараённинг натижаси сифатида ЖК моддасига ҳавола қилиш. Улар ўртасидаги боғловчи унсур квалификация (айблов) формуласи ҳисобланади.

«Квалификация» атамаси, биринчи навбатда, моддий-ҳуқуқий мазмунга эга бўлиб, унинг принципиал асоси ЖК нормалари ҳисобланади: қилмишнинг жиноийлиги фақат ЖК билан белгиланади; жиноят қонунини аналогия бўйича қўллашга йўл қўйилмайди; жиноий жавобгарликнинг асоси ЖКда назарда тутилган жиноят таркибининг барча белгиларини ўз ичига олган қилмишни содир этишдир. Айни пайтда, квалификациянинг соҳалараро хусусияти ушбу тушунчанинг моддий ва процессуал мазмунини ажратиб бўлмаслигини таъминлайди. И.Б.Михайловская қуйидагича таъкидлайди: «Жиноий-ҳуқуқий тақикнинг мазмуни шундан иборатки, у ўрнатилган тақиклардан айнан қайси бири бузилганлигини аниқлаш учун зарур бўлган ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳолатларни белгилайди. Бундай ҳолатлар квалификацияловчи белгилар ҳисобланади ва муайян жиноят иши бўйича исботлаш предметини аниқлашда йўналтирувчи вазифасини бажаради»[16]. Демак, квалификациянинг моддий ва процессуал жиҳатлари бир-бири билан ажралмас табиатга эга.

Мазкур икки ёқламалик назарий жиҳатдан аниқлаштиришда икки замонавий конструкция фойдалидир. Биринчидан, О.В.Ус жиноий-ҳуқуқий тартибга солиш ва жиноий-ҳуқуқий таъсир тушунчаларини фарқлаб, квалификация айнан таъсир даражасига тегишли эканини, яъни у тақик бузилгандан кейинги давлат реакциясини қамрашини асослайди[17]. Иккинчидан, Н.Лё уч томонлама норма назариясини, яъни ҳуқ-атвор нормалари (Verhaltensnormen), қарор нормалари (Entscheidungsnormen) ва бириктириш нормаларини (Zurechnungsnormen), асослаб беради[18]. Ушбу уқлик Ўзбекистон ҳуқуқига аниқ мос тушади: ЖК Махсус қисмидаги тақик, жазо тайинлаш қоидалари ва квалификация қоидалари. Бизнингча, мазкур модел ўзбек доктринасида ҳозирча имплицит қолдирилаётган нарсани ошқора ифодалаш имконини беради: квалификация қоидалари таркибнинг тавсифи эмас, балки алоҳида норматив қатлам ҳисобланади.

4. Миллий қонунчиликдаги терминологик номувофиклик муаммоси

Қонун чиқарувчи квалификация тушунчасини тўғридан-тўғри таърифламаган бўлса-да, ушбу тушунчанинг баъзи мазмуний унсурларини қонунда қўлланилган контекстни таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин. Жиноят-процессуал қонунчилигининг кўплаб моддаларида жиноятни квалификация қилиш тўғрисида сўз юритилади, бироқ у ЖК Махсус қисми VIII бўлимида белгиланган кодекс атамалари рўйхатига киритилмаган ёки ЖК Умумий қисмида алоҳида қоида сифатида акс эттирилмаган. Мазкур ҳолат квалификация тушунчасининг қонундаги ўхшаш тушунчалар билан ўзаро нисбатини аниқлаш заруриятини келтириб чиқаради. Аввало, квалификация жиноят қонунини қўллаш унсурларидан бири бўлиб, унинг муайян нормаларини содир этилган қилмиш билан боғлайди. Жиноят қонунини қўллаш тушунчасига жазо тайинлаш, жазодан озод қилиш ва бошқа масалаларни ҳал

қилишдан иборат фаолият ҳам киргани сабабли, у квалификация тушунчасидан анча кенгдир; айти пайтда квалификация мажбурий жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларининг асоси ва чегараларини олдиндан белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда — ЖПК) ҳамда ЖКнинг ўзбек тилидаги матнларида «квалификация» тушунчасидан тўғридан-тўғри фойдаланилмаган бўлса-да, шу маънони билдирувчи сўз бирикмаларидан фойдаланилади. Хусусан, жиноятни квалификация қилиш «айблаш», «айблов» ва «тавсифлаш» каби тушунчалар билан боғлиқ ҳолда ифодаланганини кўришимиз мумкин. Агар ЖПКнинг рус тилидаги матнига назар солинса, 17 та моддада «квалификация» тушунчасидан фойдаланилганини кўриш мумкин. ЖПКнинг ўзбек ва рус тилларидаги, расмий Lex.uz сайтида эълон қилинган матни таққосланганда[19] рус тилида «квалификация» термини билан ифодаланган тушунча кодекснинг ўзбек тилидаги матнида «...тавсифи, ...тавсиф қилиш, ...жиноят тавсифи» (14 та ўринда: 36, 37, 38-1, 39, 283, 382, 405-12, 409, 460, 467, 489, 593, 599, 615-моддаларда), «...юридик тавсиф» (2 та ўринда: 361, 362-моддаларда) ва «...малакалаш» (2 та ўринда: 405-12, 586-9-моддаларда) шаклларида ишлатилганини кўриш мумкин. Ҳаттоки ЖПКнинг 405-12-моддаси 1-қисми 5-бандида «малакалаш» ва шу модданинг 2-қисмида «тавсифлаш» сўзлари билан ифодаланган тушунча рус тилидаги матнда битта «квалификация» тушунчаси билан ифодаланганини кўришимиз мумкин. Ушбу ҳолат назарий ва амалий саволларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Хусусан, ЖПКнинг 82-моддаси ва «айблаш» атамаси қўлланилган бошқа моддалари мазмунидан келиб чиқиб, ушбу тушунча доирасида квалификацияга оид белгилар, яъни жиноят объекти, етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули ҳамда қилмиш билан ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш келтирилади; мазкур қоидада исботланиши лозим бўлган ҳолатлар (фактик таркиб) ва ЖКнинг тегишли моддасига ҳавола (юридик таркиб) фарқланади. ЖПКнинг 467-моддасига кўра эса айблов ҳукмининг тавсиф қисмида «суд исбот этилган деб эътироф этган жиноий қилмишнинг тавсифи... шунингдек жиноятнинг тавсифи ногўрилиги аниқланганда айбловни ўзгартириш асослари» кўрсатилиши лозим.

Процессуал қонунда «жиноятни тавсиф қилиш» ва «айблов ҳажми» тушунчалари фарқлаб кўрсатилган: ЖПКнинг 36-моддаси 3-қисмида терговчининг ваколатлари доирасида «жиноятни тавсиф қилиш ва айблов ҳажми ҳақидаги қарорлари...» ҳақида тушунтириш берилган. Ушбу тушунчалар квалификациянинг моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий белгиларини ажратиши деб тушунилиши лозим. ЖПКнинг 494-моддаси 1-қисмида қўлланилган «айблов доираси» атамаси эса жиноят процессида шахсга нисбатан қўйилган айбловнинг чегараси ва ҳажмини, яъни тергов органи ёки прокурор томонидан шахс айнан қайси жиноий ҳаракатларда ва ЖКнинг қайси моддалари билан айбланаётганининг аниқ белгилаб берилишини англатади. Квалификация эса исботланмайди, балки асослантирилади: шахс қилмишининг ЖК Махсус қисми нормасидаги белгилар билан айнанлиги мақбул далиллар мажмуи билан асослантирилиб, қилмишга жиноят-ҳуқуқий баҳо берилади. Айти пайтда, айбловнинг фактик тавсифида баён қилинганларнинг ҳаммаси ҳам квалификацияга тааллуқли эмас: таркиб белгилари билан қамраб олинмаган, лекин жазо тайинлашга таъсир қиладиган ҳолатлар квалификацияда ҳисобга олинмайди.

Юқоридагилардан кўринадики, миллий қонунчиликда квалификация тушунчаси учта муаммо билан тавсифланади: норматив таърифнинг мавжуд эмаслиги; битта тушунчанинг ўзбек тилидаги матнда камида учта атама билан ифодаланиши; ушбу атамаларнинг ЖК атамалари рўйхатига киритилмаганлиги. Украина лойиҳасидаги ечим ва В.В.Марчук асослаган «квалификация қоидалари институти» концепцияси уларни ҳал этишнинг тайёр назарий асосини беради.

5. Квалификациянинг тор ва кенг маънолари ҳамда квалификация формуласи

Жиноятни квалификация қилишнинг тор ва кенг маъноларини фарқлаш лозим. Тор маънодаги квалификация — квалификация қилинаётган қилмишга берилган ҳуқуқий баҳонинг якуний натижасидир. У ЖКнинг муайян моддасига (модданинг бандига, қисмига)

ҳавола қилиш орқали қилмишнинг аниқ жиноий-ҳуқуқий номи тўғрисида ҳулоса чиқариш ва бундай ҳулосани асослаш орқали ифодаланади. В.Н.Кудрявцев ҳуқуқни қўлловчининг қилмиш ва норма ўртасидаги муносабат ҳақидаги ҳулосаси тавсифий баёнотда (ақлий ҳулосада) ифодаланишини таъкидлаган; масалан: «А. қасддан қонунга ҳилоф равишда Б.ни ҳаётдан маҳрум қилган, шу билан у ЖКнинг тегишли моддасида назарда тутилган қотилликни содир этган»[5]. А.И.Рарогнинг фикрига кўра эса квалификация ҳукмининг ҳулоса қисмида берилади, бу ерда фақат ЖКнинг судланувчи айбдор деб топилган жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи банди, қисми, моддаси кўрсатилиши керак[20].

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида бундай ҳулоса, масалан, қуйидагича кўринишга эга бўлади: «...суд дастлабки тергов органи томонидан Ж. нинг умумий фойдаланишдаги электр тармоқларига тижорат мақсадларида ноқонуний равишда уланиб, ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилганликда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди»[21]. Ушбу қисқартирилган квалификация формуласида учта мажбурий унсур мавжуд: жиноят содир этган шахснинг идентификацияси; у содир этган қилмишнинг ҳуқуқий номланиши; ЖКнинг тегишли моддаси (банди, қисми). Айрим процессуал ҳужжатларда формула янада қисқартирилиб, фақат ЖКнинг тегишли моддасига ҳавола бериш билан чекланилади; ЖПКнинг 468-моддасида ҳам айблов ҳукмининг ҳулоса қисмида судланувчининг айбли деб эътироф этилишига асос бўлган модда (модданинг қисми, банди) кўрсатилиши кераклиги белгиланган.

Мазкур ҳодиса замонавий доктринада «квалификация формуласи» деб номланади. В.В.Марчук уни қуйидагича таърифлайди: «жиноятни квалификация қилиш формуласи деганда тегишли процессуал ҳужжатда келтирилган ҳамда квалификациянинг натижавий жиҳатини белгиловчи, ЖКнинг моддасига ёки моддалари мажмуига, ёхуд ЖК Умумий ва Махсус қисми моддаларининг уйғунлигига қилинган ҳавола тушунилиши лозим»[9]. Украина Жиноят кодекси лойиҳасида эса квалификация формуласини тузиш алгоритми норматив равишда белгиланган: аввал Махсус қисм моддаси, кейин оғирлаштирувчи ҳолатларга, жиноий фаолиятнинг босқичларига, иштирокчилик шаклларига ёки қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи нормаларга ҳаволалар келтирилади[14]. Демак, миллий амалиётда ижодий шаклланган ёзув тартиби бошқа юрисдикцияларда норматив стандартга айланмоқда.

Кенг маънодаги квалификация эса қилмишда жиноят таркиби белгиларини аниқлаш жараёни ва ушбу жараён натижасининг процессуал ҳужжатларда қайд этилиши бўлиб, у ҳақиқий ҳолатларнинг тўлиқ рўйхатини ҳамда уларнинг ЖКнинг тегишли моддасига ҳавола қилиш орқали баҳоланишини қамрайди. ЖПК нормаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда ушбу атама тор маънода қўлланилади.

6. Квалификациянинг юридик аҳамияти ва эмпирик ўлчови

Тақиқ бузилган тақдирда содир этилган қилмишни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш фақатгина уни аниқ тарзда идентификация қилиш орқали амалга оширилиши мумкин, бундай идентификация эса квалификация жараёнида қилмиш белгиларини жиноят таркиби белгилари билан таққослаш орқали бажарилади. Фақат шундай жараён орқали қонунда белгиланган жиноят тури билан давлат мажбурловининг қўлланилиш даражаси ўртасидаги алоқа ўрнатилади. Бошқача айтганда, квалификация жиноий жавобгарлик асоси билан қўлланиладиган санкция ўртасидаги зарурий боғловчи ҳалқа ҳисобланади.

Квалификация жиноят ишини кўзгатиш асосларини аниқлаш, эҳтиёт чорасини танлаш, судга тегишлиликни белгилаш, тайинладиган жазо тури ва миқдорини аниқлаш, шунингдек экстрадиция каби масалаларни ҳал этишда ҳисобга олинади. Тўғри квалификация жиноят ишининг қонуний, асосли ва адолатли ҳал этилиши учун шароит яратади: ЖПКнинг 455-моддасига кўра, ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт. Аксинча, квалификациядаги хато кетма-кет бошқа хатоларни келтириб чиқаради.

Квалификациянинг аҳамияти эмпирик материал билан ҳам тасдиқланади. Мазкур тадқиқот жараёнида биз томонимиздан 2019–2026 йилларда чиқарилган суд ҳужжатларининг

махсус эмпирик базаси шакллантирилди; у учта қатламдан иборат: Олий суд Пленумининг квалификацияга оид эллик тўққизта қарори; етмиш тўртта суд ҳужжати (йигирма учта биринчи инстанция ҳукми ҳамда юқори инстанцияларнинг эллик битта ажрими); Олий суднинг жиноят ишлари бўйича ўн битта умумлашмаси[22]. Ўрганилган ишларнинг ўн олтитасида қайта квалификация амалга оширилган, олтитасида салбий квалификация (оқлов) чиқарилган, тўққизтасида эса ортиқча белги ёки модда айбловдан чиқарилган. Ишларда энг кўп учраган моддалар ЖКнинг 167 ва 168-моддалари (ҳар бирида ўн учта иш), 97-моддаси (ўнта), 228-моддаси (тўққизта), 273 ва 210-моддалари (еттитадан) бўлиб, бу мулкый, шахсга қарши, бошқарув тартибига қарши, мансабдорлик ва наркотикка оид жиноятларда квалификация низолари айниқса кўп эканини кўрсатади.

Миллий тизимда квалификация қоидаларининг муҳим манбаи Олий суд Пленуми қарорларидир. Хусусан, «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 2008 йил 15 майдаги 13-сон, «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сон ва «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2023 йил 23 июндпгт 17-сон[23] қарорлар квалификация масалаларини бевосита тартибга солади. Айни пайтда, йўриқнома ҳужжатларининг амалдаги мажбурийлик даражасини ошириб юбормаслик лозим: Лу Суюннинг ўн мингдан ортиқ ҳукми қамраган эмпирик тадқиқоти йўналтирувчи ишларга ҳавола қилинган ҳукмларнинг тахминан 65 фоизи бундай ҳаволага жавоб бермаслигини кўрсатган[24]. Демак, Пленум қарорлари квалификацияни ҳақиқатан чеклайдими деган савол миллий шароитда мустақил эмпирик ўлчовни талаб қилади.

7. Квалификациянинг турлари

Жиноятларни квалификация қилиш бир нечта асосларга кўра турларга бўлинади. Квалификация субъектига ва унинг юридик аҳамиятига қараб доктринал (норасмий) ва расмий квалификация фарқланади. Доктринал квалификация муайян ишнинг шартли казусини ёки фабуласини илмий ва ўқув мақсадларида жиноий-ҳуқуқий баҳолашдан иборат бўлиб, унинг натижаларидан норма диспозициясини шакллантиришдаги камчиликларни аниқлаш воситаси сифатида фойдаланилади; бунда чиқарилган хулоса ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

Расмий квалификация эса қилмишга ҳуқуқий баҳо бериш ваколатига эга мансабдор шахслар (суд, прокурор, терговчи ва бошқа процессуал фаолият субъектлари) томонидан амалга оширилади. У қатъий белгиланган процессуал шаклда бажарилади ҳамда гумон қилинувчи ва айбланувчи учун ҳам, жиноят процессининг бошқа иштирокчилари учун ҳам ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Жиноят ишини юритиш босқичига қараб расмий квалификация судгача бўлган ва суд муҳокамасига оид турларга бўлинади.

Мазкур анъанавий таснифни тўлдирувчи яна бир нечта мезон мавжуд. Натижасига кўра квалификация ижобий (қилмишда жиноят таркиби борлиги аниқланади) ва салбий (қилмишнинг ҳақиқий белгилари таркиб белгиларига мос келмаслиги қайд этилади) бўлади; мазмунига кўра тор ва кенг маънодаги турларга, табиатига кўра эса жараён ва натижа сифатидаги квалификацияга ажратилади. Сифатига кўра квалификация тўғри ва нотўғри бўлади. Бизнингча, нотўғри квалификациянинг ўзи ортиқча ва етишмовчи турларга бўлинади: етишмовчи квалификацияда қилмишнинг мавжуд белгилари нормада тўлиқ акс эттирилмайди, ортиқча квалификацияда эса қилмишга мавжуд бўлмаган белгилар малакаланади. Мазкур тасниф эмпирик база билан бевосита тасдиқланади, чунки суд ҳужжатларида «ортиқча айб эълон қилинганлиги» ва моддаларнинг «нотўғри малакаланганлиги» иборалари бевосита қўлланилади[22]. Демак, ортиқча ёки етишмовчи квалификация ягона тўғри квалификациядан оғиш бўлиб, у шахс ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш кафолатига путур етказди.

Сўнгги йилларда квалификациянинг технологик кўриниши шаклланмоқда: онтология ва хулоса чиқариш қоидалари билан бирга катта тил моделларидан фойдаланувчи тизимлар айрим таркиблар бўйича қўлланиладиган моддани автоматик аниқлашга эришмоқда. Хусусан, Ж.Маткович ва ҳаммуаллифлари Черногория Жиноят кодексининг ўғрилиқ таркиблари бўйича 42 та хулоса қайдасидан иборат тизим яратиб, 89,6 фоиз аниқликка эришганлар[25].

Айни пайтда, сунъий интелект ёрдамидаги квалификация мустақил тур эмас, расмий квалификациянинг ёрдамчи воситаси ҳисобланади.

8. Квалификациянинг босқичлари

Жиноятни расмий квалификация қилиш жараёни учта босқичдан иборат. Биринчи босқич квалификациянинг фактик унсурини, яъни содир этилган қилмишнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳолатларини аниқлаш билан боғлиқ[26]. Бундай ҳолатлар икки гуруҳга бўлинади: ўз мажмуида жиноят таркиби элементларининг тўлиқ тўпламини ташкил этувчи ҳолатлар ва таркиб элементларини қамрамайдиган, аммо жазо тури ва миқдорини белгилаш ёки жавобгарликдан озод қилиш масалаларини ҳал этиш учун муҳим бўлган бошқа ҳолатлар. Иккинчи босқич содир этилган қилмишни тўлиқ қамраб оладиган жиноят ҳуқуқи нормасини (ЖКнинг моддаси, банди ва қисмини) белгилашдан иборат; агар ЖК Махсус қисмининг моддаларида бундай қилмиш назарда тутилмаган бўлса, қилмиш жиноят сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас. Учинчи босқич фактик ҳолатларнинг ЖК моддасида кўрсатилган белгиларга мувофиқлигини қайд этиш ва бундай ҳулосани айбланувчи сифатида жалб қилиш тўғрисидаги қарорда ҳамда айблов ҳулосасида мустаҳкамлашдан иборат.

Босқичларни ажратишда доктринада ягона ёндашув мавжуд эмас. Т.Г.Черненко квалификацияни вақт бўйича чўзилган жараён сифатида қараб, тўртта босқични ажратади: ишнинг фактик ҳолатларини аниқлаш; квалификация қилинаётган ижтимоий ҳавфли қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи норма (ёки нормалар)ни аниқлаш; қилмиш белгилари ва таркиб белгилари ўртасидаги аниқ мувофиқликни ўрнатиш; юридик баҳони жиноят-процессуал ҳужжатда акс эттириш[8]. В.Н.Кудрявцев босқичларни жиноят процесси босқичлари билан боғлаган ҳолда кўриб чиққан, Б.А.Куринов эса дастлаб ҳуқуқий муносабат турини аниқлаш, сўнгра жиноятнинг турдош ва тур белгиларини ажратишга асосланган таснифни таклиф этган; А.В.Корнеева учта, В.С.Савельева эса тўртта босқични ажратади[9]. Демак, босқичларнинг сони эмас, уларнинг мантиқий кетма-кетлиги ва ҳар бирининг процессуал ҳужжатда мустаҳкамланиши муҳимроқдир.

Санаб ўтилган босқичлар шартли бўлиб, квалификация жараёнининг фақат мажбурий таркибий қисмларини ифодалайди; аслида уларнинг кетма-кетлиги ўзгариши мумкин. Квалификация субъекти норманинг аниқ ҳолатларга мос келиши ёки йўқлигини бир неча маротаба текшириши мумкин, мазкур жараён мос келувчи норма топилгунга қадар ёки қилмишнинг ЖК Махсус қисми нормаларига мос келиши инкор қилингунга қадар давом этади. Бинобарин, қонунчилик квалификацияни бир марталик, “қотиб қолган” акт сифатида эмас, балки инстанциялар бўйлаб қайта текширилиши ва зарур ҳолда ўзгартирилиши мумкин бўлган динамик жараён сифатида эътироф этади.

9. Замоनावий синовлар: квалификация хатолари ва алгоритмик квалификация

Квалификация назариясининг замоनावий босқичи унинг детерминантлиги, яъни ҳар қандай фактик ҳолатга ягона тўғри жавоб мавжудлиги ҳақидаги постулатнинг синонга тортилиши билан тавсифланади. Н.Ф.Кузнецова квалификация хатоларини «жиноят таркибининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини, шунингдек унинг ЖК Умумий ва Махсус қисми нормаларидаги тавсифга мувофиқлигини нотўғри аниқлаш» сифатида таърифлаб, уларнинг асосий манбалари сифатида қонунчилик камчиликлари ва ҳуқуқни қўллашдаги нуксонларни кўрсатади[6]. В.В.Колосовский эса квалификация хатоларини бир хилда қонунийлик бузилиши деб баҳолашга эътироз билдириб, уларнинг субъектлари доим квалификация ваколатига эга мансабдор шахслар эканини таъкидлайди[27]. Демак, квалификация хатоси ҳам ҳуқуқий, ҳам институционал ўлчовга эга ҳодиса ҳисобланади.

Ушбу постулатга нисбатан энг яққол эмпирик эътироз халқаро суд амалиётидан келиб чиқади. Халқаро жиноят суди Суд палатасининг 2024 йил 26 июндаги Ал-Ҳасан иши бўйича ҳукмида учта профессионал судья айнан бир хил фактик материалдан учта турли ҳуқуқий тавсифни ҳосил қилган: судья К.Прост гендер асосидаги таъқиб исботланган деб ҳисоблаган, судья Т.Акане фақат диний таъқибни тан олган, судья А.Миндуа эса гендерга асосланган нишонга олиш содир бўлганини қайд этган ҳолда мажбурлаш асосида барча айбловлар бўйича оқлов чиқарган[28]. Ушбу ҳужжатлаштирилган ҳолат квалификация ягона аниқланадиган

жавобга эга деган тахминга қарши мавжуд энг кучли далиллардан бири бўлиб, баҳолов белгилар билан ишлашда талқин омилининг ҳал қилувчи ролини тасдиқлайди.

Алгоритмик квалификация бўйича сўнгги тадқиқотлар яна бир муҳим хулосага олиб келади. Ч.Ж.Ан ва ҳаммуаллифлари айблов башорати моделларини Хитойнинг тўрт элементли таркиб назарияси нуқтаи назаридан ўрта таъмин (танловчанлик, сезгирлик ва айбсизлик презумпцияси) бўйича текширганлар. Тадқиқот натижасига кўра, моделлар танловчанлик таъминидан ўтган, бироқ сезгирлик ва айбсизлик презумпцияси таъминларидан ўтмаган: таркибнинг конститутив унсурга оид барча маълумот фактик тавсифдан олиб ташланганда ҳам моделлар аввалги айбловни башорат қилишда давом этган, бунда уларнинг умумий аниқлик кўрсаткичи 90 фоизга яқин бўлган[29]. Демак, машина квалификация хулосасини такрорлайди, лекин қилмиш белгиларини таркиб белгилари остига келтириш жараёнини такрорламайди.

Мазкур топилма миллий ҳуқуқ учун бевосита муҳим аҳамиятга эга. Квалификация ҳуқуқни қўллашнинг бирхиллиги талабини қондириши шарт, айти пайтда А.Блэйр-Станек ва Б.Ван Дурме катта тил моделлари такрорий сўровда бир хил савол бўйича турли натижаларни қайтаришини кўрсатганлар[30]. Бир хил фактик ҳолатларга турли квалификация берадиган восита қонунийлик таъминли ҳамда қонун олдида тенглик талаби билан мос келмайди. Шу боис бундай воситалар жорий этилганда, уларнинг натижаси ваколатли мансабдор шахс томонидан мажбурий верификация (ҳаққонийлигини тасдиқлаш) қилиниши процессуал қафолат сифатида белгиланиши лозим.

Хулоса ва таклифлар

Ўтказилган таҳлил қуйидаги хулосаларга олиб келади. Биринчидан, квалификация тушунчасининг доктринал таракқиёти А.А.Герцензон, В.Н.Кудрявцев ва Л.Д.Гаухман чизигида шаклланиб, Н.Ф.Кузнецова, Т.Г.Черненко ва В.В.Марчук ишлари билан бойитилган; замонавий босқичда квалификация соф мантикий идентификация эмас, балки мантикий идентификация ва ҳуқуқий талқиннинг узвий бирлигидан иборат гносеологик жараён сифатида эътироф этилмоқда. Иккинчидан, квалификация моддий-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал мазмунни ажралмас тарзда бирлаштиради; ушбу икки ёқламалик уч томонлама норма назарияси орқали аниқлаштирилиши мумкин, чунки миллий тизимда ЖК Махсус қисмидаги тақиқ, жазо тайинлаш қоидалари ва ҳозирча имплицит (мантиқан назарда тутилган норма) шаклда қолаётган квалификация қоидалари алоҳида норматив қатламларни ташкил этиши мумкин.

Учинчидан, миллий қонунчиликда квалификация тушунчаси ўрта муаммо билан тавсифланади: норматив таърифнинг мавжуд эмаслиги; битта тушунчанинг ЖК ўзбек тилидаги матнида «тавсиф», «юридик тавсиф» ва «малакалаш» шаклларида ифодаланиши; ушбу атамаларнинг ЖК атамалари рўйхатига киритилмаганлиги. Тўртинчидан, тор маънодаги квалификация формуласи ўрта мажбурий унсурдан иборат: шахснинг идентификацияси; қилмишнинг ҳуқуқий номланиши; ЖКнинг тегишли моддаси, қисми ва банди. Бешинчидан, эмпирик база квалификация хатосининг тизимли ҳодиса эканини далиллайди ҳамда «ортиқча» ва «етишмовчи» квалификация таснифининг амалий заруратини асослайди. Олтинчидан, алгоритмик воситаларнинг юқори аниқлик кўрсаткичи тўғри квалификация билан тенглаштирилиши мумкин эмас, чунки улар квалификация натижасини такрорласа-да, унинг жараёнини такрорламайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифлар илгари сурилади. Биринчидан, ЖК Умумий қисмига «Жиноятни квалификация қилиш» деб номланган алоҳида модда киритилиб, унда квалификациянинг норматив таърифи, унинг натижасини процессуал ҳужжатда мустақамлаш тартиби ҳамда квалификация натижасини асослаш мажбурияти белгиланиши лозим. Иккинчидан, ЖК ва ЖКнинг ўзбек тилидаги матнларида «тавсиф», «юридик тавсиф» ва «малакалаш» атамалари ўрнига ягона «квалификация қилиш» атамаси қўлланилиб, терминологик бирхиллик таъминлаш ҳамда ушбу атама ЖК Махсус қисми VIII бўлимидаги кодекс атамалари рўйхатига киритилиши лозим. Учинчидан, «ортиқча квалификация» ва «етишмовчи квалификация» тушунчалари Олий суд Пленуми қарорида

норматив-йўналтирувчи таъриф билан мустаҳкамланиши лозим. Тўртинчидан, квалификацияга ёрдам берувчи ахборот тизимлари жорий этилганда, уларнинг натижаси ваколатли мансабдор шахс томонидан мажбурий верификация қилиниши процессуал кафолат сифатида белгиланиши лозим. Бешинчидан, апелляция ва кассация инстанцияларида қайта квалификация даражасини мунтазам ўлчаб боровчи миллий методика ишлаб чиқирилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг статистик маълумотлари, 2024–2025 йй. // sud.uz. (Statistical data of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan, 2024-2025 // sud.uz)
2. Салаев Н., Ниёзова С. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish muammolari (umumiy qism). — Тошкент, 2023; Холиқов Ф., Отабоев Б. Shaxsga qarshi jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish. — Тошкент, 2024. (Salaev N., Niyozova S. Problems of qualification of crimes (general part). - Tashkent, 2023; Khalikov F., Otaboev B. Qualification of crimes against the person. - Tashkent, 2024.)
3. Герцензон А.А. Квалификация преступлений. — М., 1947. — С. 3. (Gertsenson A.A. Qualification of crimes. - Moscow, 1947. - P. 3.)
4. Кудрявцев В.Н. Теоретические основы квалификации преступлений. — М., 1963; Куринов Б.А. Научные основы квалификации преступлений. — М., 1984; Благов Е.В. Квалификация преступлений (теория и практика). — Ярославль, 2003; Корнеева А.В. Теоретические основы квалификации преступлений. — М., 2006. (Kudryavtsev V.N. Theoretical foundations of qualification of crimes. - Moscow, 1963; Kurinov B.A. Scientific foundations of qualification of crimes. - Moscow, 1984; Blagov E.V. Qualification of crimes (theory and practice). - Yaroslavl, 2003; Korneeva A.V. Theoretical foundations of qualification of crimes. — M., 2006)
5. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. — М., 1972. — С. 8. Kudryavtsev V.N. General Theory of Qualification of Offenses. — M., 1972. — P. 8 (
6. Кузнецова Н.Ф. Проблемы квалификации преступлений: лекции по спецкурсу «Основы квалификации преступлений». — М.: Городец, 2007. — С. 7, 19, 30. (Kuznetsova N.F. Problems of Qualification of Offenses: Lectures on the Special Course "Fundamentals of Qualification of Offenses". — M.: Gorodets, 2007. — Pp. 7, 19, 30)
7. Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. — 2-е изд. — М.: ЮрИнфоР, 2003. — С. 5, 12. (Gauksman L.D. Qualification of Offenses: Law, Theory, Practice. — 2nd ed. — M.: YurInfoR, 2003. — Pp. 5, 12.)
8. Черненко Т.Г. Квалификация преступлений: вопросы теории и практики: монография. — 3-е изд. — М.: Проспект, 2020. — С. 10. (Chernenko T.G. Qualification of Offenses: Theory and Practice: Monograph. — 3rd ed. — M.: Prospect, 2020. — P. 10)
9. Марчук В.В. Теория квалификации преступления. — Минск: Академия МВД Республики Беларусь, 2014. — С. 80–81, 108–109. (Marchuk V.V. Theory of Qualification of Offenses. — Minsk: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Belarus, 2014. — Pp. 80–81, 108–109)
10. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: дарслик. — Тошкент; Зуфаров Р.А., Кабулов Р.нинг илмий асарлари. (Rustamboev, M.G. Criminal Law of the Republic of Uzbekistan. General Part: Textbook. — Tashkent; Research Works by Zufarova, R.A., Kabulova, R)
11. Bohlander M. Principles of German Criminal Law. — Oxford; Portland: Hart Publishing, 2009. — P. 16; Dubber M.D. The Promise of German Criminal Law // German Law Journal. — 2005. — Vol. 6, № 7.
12. Simester A.P. Fundamentals of Criminal Law: Responsibility, Culpability, and Wrongdoing. — Oxford: Oxford University Press, 2021. — 544 p.
13. Che Hao. Understanding Contemporary Chinese Legal Dogmatics of Criminal Law // Handbook of Contemporary Chinese Social Sciences. — Palgrave Macmillan, 2025. — P. 449–500.

14. Проект нового Кримінального кодексу України, розділ 2.9 «Кримінально-правова кваліфікація» (контрольний текст від 01.05.2026) // newcriminalcode.org.ua. (Draft New Criminal Code of Ukraine, Part 2.9 "Criminal-legal qualification" (control text dated 01.05.2026) // newcriminalcode.org.ua)
15. Сорока С., Коваль М. [Проблема легальної дефініції кримінально-правової кваліфікації] // Вісник Національного університету «Львівська політехніка». Серія: Юридичні науки. — 2023. — № 3(39). — С. 221–226. (Soroka S., Koval M. The Problem of Legal Certainty of Criminal-legal Qualification // Bulletin of the National University "Lviv Polytechnic". Series: Jurisprudence. — 2023. — No. 3(39). — pp. 221–226.)
16. Михайловская И.Б. Настольная книга судьи по доказыванию в уголовном процессе. — М.: ТК Велби; Проспект, 2006. (Mykhailovska I.B. The Court's Handbook of Evidence in Corner Trials. Moscow: T.K. Welby; Prospect, 2006)
17. Ус О.В. Теоретичні та прикладні проблеми кваліфікації в кримінальному праві України. — Харків: Право, 2020. — 701 с. (Us, O.V. Theoretical and Model Problem of Qualification in the Criminal Law of Ukraine. Kharkiv: Pravo, 2020, 701 p.)
18. Leu N. Kritik der objektiven Zurechnung. — Zürich: sui generis Verlag, 2022. (Leu, N. Critique of the Objective Qualification of Crimes. Zurich: sui generis Verlag, 2022.)
19. <https://lex.uz/docs/111460> (2026 йил 19 январь ҳолатига / as of 19.01.2026). (<https://lex.uz/docs/111460> (as of January 19, 2026))
20. Парог А.И. Настольная книга судьи по квалификации преступлений. — М.: Проспект, 2008. (Rarog, A.I. Judge's Scoreboard on Crime Qualification. Moscow: Prospect, 2008)
21. 2026 йил 26 январдаги жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман судининг ҳукмидан. (From the verdict of the Karavulbazar District Criminal Court dated January 26, 2026)
22. Алтиев Р.С. Қилмишни квалификация қилиш амалиётининг эмпирик таҳлили (2019–2026 йиллар суд ҳужжатлари умумлашмаси асосида). — Тошкент, 2026. (Altyev, R.S. An Empirical Analysis of Crime Classification Practices (Based on a Summary of Court Documents for 2019–2026). — Tashkent, 2026)
23. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги 13-сон, 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сон ва 2017 йил 11 октябрдаги 35-сон қарорлари. (Resolutions of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan No. 13 of May 15, 2008, No. 13 of September 24, 2004, and No. 35 of October 11, 2017)
24. Lu Xu. Rethinking China's Emerging Case Law System // Legal Studies. — 2025. — Vol. 45, № 4. — P. 554–576. DOI 10.1017/lst.2025.10092.
25. Matković J., Marković M., Gostojić S. Automated Identification of Criminal Offences from Case Descriptions Using Ontologies, Rules and LLMs // JURIX 2025. — IOS Press, 2025. DOI 10.3233/FAIA251626.
26. Наумов А.В., Новиченко А.С. Законы логики при квалификации преступлений. — М.: Юрид. лит., 1978. — С. 16. (Naumov A.V., Novichenko A.S. Laws of Logic in Qualifying Offenses. — Moscow: Law. Literature, 1978. — P. 16)
27. Колосовский В.В. Теоретические проблемы квалификации уголовно-правовых деяний. — М.: Статут, 2011. — С. 110–111. (Kolosovsky V.V. Theoretical Problems of Qualifying Criminal Acts. — Moscow: Statut, 2011. — P. 110–111)
28. Prosecutor v. Al Hassan Ag Abdoul Aziz, ICC-01/12-01/18, Trial Chamber X, Trial Judgment, 26 June 2024.
29. An Z., Huang Q., Jiang C., Feng Y., Zhao D. Do Charge Prediction Models Learn Legal Theory? // Findings of the Association for Computational Linguistics: EMNLP 2022. — P. 3757–3768.
30. Blair-Stanek A., Van Durme B. Shifting Answers on Complex Legal Questions. — ICAIL 2025. DOI 10.1145/3769126.3769245.

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.